

Наврўз айёминиз муборак бўлсин, азиз юртингизга!

Mustaqillik huquq demakdir

HUQUQ

YURIDIK GAZETA

11

(378)

Mart

D.	7	14	21	28	
S.	1	8	15	22	29
Ch.	2	9	16	23	30
P.	3	10	17	24	31
J.	4	11	18	25	
Sh.	5	12	19	26	
Y.	6	13	20	27	

2005

Gazeta 1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan.

WWW.HUQUQ.UZ. E-mail: Info@huquq.uz



Республика Бош прокуратураси матбуот маркази хабар қилади

2005 йил 6 март куни Сурхондарё вилоят прокуратурасига Бойсун туманида жойлашган «Дарбанд» йўл патрул хизмати (ИПХ) маскани масъул ходими Тоғаймуродов Муҳиддин Суноновичнинг товламачилик қилиб, ҳар бир машина юк учун юз минг сўм талаб қилаётганлиги тўғрисидаги шикоят келиб тушади.

Мазкур шикоят юзасидан ўтказилган тезкор тадбирда М. Тоғаймуродов «КамАЗ» русумли юк машина эгаси Шаҳло Амиркуловадан автомашинада юкланган товарни ИПХ масканидан ўтказиш учун 50 минг сўм пора олаётганда ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан қўлга олинди. Мазкур ҳолат юзасидан тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Фуқаро Ш. Жўраева «Бухоро» фирмасида ишламаган. Лекин унинг меҳнат дафтарчасида ушбу фирмада ишлаганлиги тўғрисида ёзув ва муҳр бўлган. Бухоро вилоят ИИБ ЖК ТҚКБ ходимлари Б. Рустамов ва Ф. Муродовлар ушбу ҳолатни расмийлаштирмастик ва уни жавобгарликка тортмаслик эвазига фирма эгаси Я. Тўраевдан 3 млн. сўм пора талаб қилган.

Ўтказилган тадбирда ИИБ ходимлари Б. Рустамов ва Ф. Муродовлар М. Бурхоновнинг уйида 1700 АҚШ долларни пора сифатида олаётганда ушланган.

Б. Рустамов ва Ф. Муродовларга нисбатан жиноят иши кўзгатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

2005 йил 6 март куни Сурхондарё вилоят МХХ бошқармасига Жарқўрғон туманидаги «Холниса» хусусий фирмаси директори Бахтиёр Бўронов ариза билан муурожаат қилади. Унда айтилишича, Жарқўрғон туман суди раиси Абдусалом Жапаров Б. Бўронов устидан кўзгатиш жиноят ишини Республика президентининг 2004 йил 1 декабрдаги фармониغا асосан амнистияни қўллаб тугатиш ва жазодан озод қилиш эвазига пора сўраган.

Ўтказилган тезкор тадбирда А. Жапаров Б. Бўроновдан бир донга 650 минг сўмлик «LG» Flatron рангли телевизорни пора тариқасида олаётганда ушланган. Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши кўзгатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

ANJUMAN

Қишлоқ хўжалигига бағишланди

Ўтган ҳафтада Наманган шаҳар ҳокимиятида Республика Бош прокуратураси қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш маркази ва Наманган вилоят прокуратураси ҳамкорлигида илмий-амалий анжуман ўтказилди. Унда қишлоқ хўжалигида ислотларни амалга оширишга қаратилган қонулар ижросини таъминлашда прокуратуранинг вазибалари муҳокама этилди.

Анжуманда қишлоқ хўжалигида шартномаларнинг аҳамияти, уни тузиш, ижро этиш, шартнома жавобгарлиги, шартномаларни бажаришдаги муаммо ва камчиликлар атрофида муҳокама этилди.

Ўз мухбиримиз

SAFARNOMA

ХАЛҚИМ, ЮКСАЛАВЕР ОФТОБДАЙ БАЛАНД

Қашқадарё вилояти: «Qonun himoyasida» журнали ва «Huquq» газетаси кунларидан репортаж

Мамлакатимизда ахборот бозори ривожланиб боргани сари унда ҳар бир нашр ўз ўрнини топиш учун изланиши, курашиши зарурлигини ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда. Тезкор электрон оммавий ахборот воситалари ва даврий нашрлар ўртасидаги кўзга кўринмас рақобат фикримизга далил бўла олади. Юртимизда чоп этилаётган 500 дан ошқ газета-журналлар орасида «Qonun himoyasida» журнали ва «Huquq» газетаси ҳам бор. Ҳозирги

кунда ушбу нашрларнинг қирқ мингга яқин обуначиси бор. Улар орасида Қашқадарё вилоятидаги ўқувчиларнинг салмоғи катта. Шу боис муштарийларнинг газета ва журнал ҳақидаги фикрини ўрганиш ва ҳамкорликни кучайтириш мақсадида таҳририят улар билан учрашув ўтказишни режалаштирган эди. Мана шу мақсадда Тошкентдан тонгсахар йўлга чиқдик. Йўл-йўлак ўтган йили обунани ташкиллаштиришда фаол иштирок этган ҳамкорларимиз

га ажратилган мукофотларни ҳам топширмакчи эдик. Шу мақсадда Самарқанд вилояти прокуратурасига ҳам кириб ўтдик. Газета ва журналимизга обунани ташкиллаштиришдаги жонбозлиги учун вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси, таниқли иждоқдор Исмаилов Илҳомовга «Poison» телевизорини тантанали равишда топширганимиздан сўнг яна йўлга тушдик.

(Давоми 4-5-бетларда).

**19 МАРТ — НАВРЎЗОЛДИ УМУМХАЛҚ ҲАШАРИ:
САВОБЛИ ИШГА ЎЗ ҲИССАНГИЗНИ ҚЎШИНГ!**

2005-yil 16-mart

Наврўзни қаршилар

Баҳор келди дегунча болалигимда бўлиб ўтган, ҳар кўкларда такрорланганидан бир манзара кўз олдимда гавдаланаверади. Яна шуни айтишим мумкинки, мен фаслар ичида баҳорни эқтираман. Балки бу кўкларда бўладиган, болалик тасаввуримга қувонч бахш этадиган ўшанақа қизик воқеаларнинг хотирамда муҳрланиб қолганидандир.

Ушанда ҳам худди ҳозиргидек Қўйтош тоғлари ортидан бобоқуёш кўзни қамаштиргудек буй курсатаркан, ўзининг беминнат нурларини ҳар ёққа сочганича мудрок ҳолатдаги Фаллаорол даштларига қайтадан жон бахш этгандек бўларди гўё. Мусаффо осмон типтиник кўжи ранга кириб, ҳамма ёқни кўклар нафаси қоллаган. Майсалар лабидида шудринлар куёш нурида кўзни қамаштиргудек ялт-ялт қилади. Худди шуни кутиб тургандек табиат бирдан жонланиб, одамлар ЯНГИ КҮН тавиши билан гимирлаб қолишарди. Мен тенги болалар учун бундан-да ортиқ қувонч бўлмасди. Ахир қишиниқ изгиринли кунларидан чиқиб, кўм-кўк ўтлоқда ўйнаб кулганга нима етсин. Биз сабрсизлик билан шодлик келтирадиган ўша кунни кутардик. Ва ниҳоят қишлоқ узра бир овоз тарқаларди: — Ҳо-ҳо-хой! Эшитмадим деманглр. Бугун йилгўжа бўлади. Бугун йилгўжа бўлади. Ҳамма қишлоқ марказига бораверсин. Йилгўжадан қолма. Ҳо-ҳо-хой! Ҳо-ҳо-хой!..

Йилгўжа овозини эшитган тирик жон борки қимирлаб қоларди. Қайсидир уйда супра ёзилиб, сариёққа қорилган патирга уналади. Бошқасида эса келида макка тўйилиб, гўжа қилишга киришилади. Ишқилиб йилгўжага биронта тансиқ таом қилиб берилса бўлган.

Мен йилгўжага эрталоқ боришга шошилардим. Шунинг учун бобойнинг орқасидан қолмасдим. Негаки, йилгўжага бизнинг уйимиздан биринчилардан бўлиб бобом отланарди. Бу сафар ҳам эшагини эгарлаб, энди кетаёт-



Йилгўжа

ганда у кишига эргашдим. Лекин катта энам мени ушлаб қолди: — Олимжонни қолдириб кетинг, отаси. Йилгўжага патир олиб боради.

Озроқ хархаша қилдим, бўлмади. Ноилож аям йилгўжа учун ёпаётган патирининг тайёр бўлишини кутадиган бўлдим. Орадан ярим соатлар вақт ўтиб, патир ҳам пишиди. Қўлимга яримта кулчани ушлаб, дастурхонга ўралган патирларни қучоқлаганча, йилгўжа бўлаётган жойга чопдим.

Мен келгунча анча одам йиғилиб бўлган экан. Кўм-кўк майса билан қолганган майдонга кўрпача-ю шолчалар тўшалган, кексалар, ўрта ёшдагилар, аёллар ҳамда болалар алоҳида-алоҳида жой қилиб ўтиришарди. Дастурхонга тандирдан узилган кўк печак(кўк сомса)лар, буги чиқиб турган айронли гўжалар, сариёғли қат-қат патирлар ва яна кўплаб таомлар тортилган. Ушанда ҳаммадан ҳам биз болаларга маза бўларди. Мен учун йилгўжанинг ширғурчидан яхшироғи йўқ эди. Ҳамма таомлар еб бўлингандан кейин эса қишлоқ оқсоқолнинг йиғилганларга қарата:

— Халойиқ, йилгўжага қишлоқнинг ҳамма одами келдимми? — деган сўровига жавобан ҳамма томондан

узук-юлук овозлар чалинарди:

- Мусо бова келмади... — Эшитмай қолганди-да... — Бечора ёлғиз ўзи... — Касал эмасиди?..

Бу гапларга оқсоқол яқун ясарди:

— Суннат, болларга тайинла. Дастурхон қилиб, уйига бериб келсин. Йилгўжа кўпчиликдики, томоғи тегсин. Ҳеч кими йўқ. Савоб бўлади.

Шундан кейин қилиниши керак бўлган масалалар муҳокама қилинарди. Кимдир қишда сел олиб кетган кўприкни қайта қуришни эслатар, одамлар маслаҳатлашиб, бажариладиган ишларни ўзaro келишиб олишарди. Бундан ташқари ариқларни тозалашга, йўлларни таъмирлашга ва кўчатлар ўтказишга белгиланган ҳашар кунлари шу ернинг ўзида овоза қилинарди. Охирида эса оқсоқол ўрндан туриб, баланд овозда дерди: — Овмин! Ҳаммамизни шу кунларга эсон-омон етказганига шукр! Кейинги кўкларгача ўйнаб-кулиб юрайлик.

Фотиҳадан кейин яна: — Халойиқ, шу ойнинг охириги шанабона дарवेशана бўлади. Дарवेशанага сўғимни фалончидан фалон сўмга оладиган бўлдики. Пулни фалончининг ўзига олиб келиб бераверинглр — деб қўшиб қўярди.

Шундан кейин юмуши борлар ишига қайтарди. Қолганлар эса турли хилдаги ўйинларга шўниғиб кетарди. Урта ёшдагилар волейбол, биздан каттароқ болалар эса футбол ўйнаш учун тайёргарликни бошлаб юборишарди. Биз қатори майда болалар бўлса қишлоғимизнинг кексалари бўлмиш Сиддиқ ва Неъмат болалар ҳамроҳлигида кенг ялангилка чикардик.

— Ҳўш, болалар, нима ўйнаймиз?

Ҳаммамиз бирданига: — «Кулоқчўзар», — дея бақирчақир қилардик.

— Бу ўйин қандай ўйналишини биласизларми? — Билмаймиз, кўрсатиб беринг.

Бу савол-жавоб ҳар кўклар, айни йилгўжа пайти такрорларди. Аслида биз «кулоқчўзар» қандай ўйналишини яхши билмас-да, бу ўйинни айнан отахонлар яна кўрсатиб беришини томоша қилиб, бундан мароқ олишни хоҳлардик. Албатта буни улар ҳам яхши тушунишарди. Шундай бўлса-да бизнинг хурсандчилигимиз учун ёш боладай ҳаракатлар қилиб, ўйинни кўрсатиб беришарди. Бири бошидан дўпписини ечиб, осмонга отса, иккинчиси юғуриб бориб, уни кўйнига яширар, дўпписини осмонга отган отахон бўлса, кела солиб

шеригининг қулоғини чўзишни бошлади. Шу пайтда дўппини кўйнига яшириб турган отахон ёш боладай бақириб, ундан қутилишга ҳаракат қиларди. Биз болалар учун бундан-да қизик манзара бўлмасди. Отахонлар «кулоқчўзар» қандай ўйналишини кўрсатган, «улоқни» осмонга отиб, бизга ўйинни бошлаб беришаркан, ўзлари чеккага чиқиб, ўйинимизни томоша қилишарди. Анча вақтга чўзилган ўйин ниҳоясига етгач, ҳаммамиз бир ахволда бўлиб қолардик. Қулоқларимиз кип-қизариб, ёниб кетгудек бўларди. Лекин биз бунга парво ҳам қилмасдик. Чунки бу кун, бу ўйин бизга олам-олам шодлик бахш этарди. Уйимизга қайтгач эса, шу ойнинг охириги шанабона кунли келишини орзиқиб кутардик. Негаки ўша кун бўладиган дарवेशанада бундан-да катта байрам, халқ сайли бизни қарши оларди.

Орадан анча йил ўтиб кетди. Лекин баҳор келди дегунча ўша йилгўжа-ю дарवेशаналарни кўмсайман. У ерда яна бўлгим, мароқ билан ўйнагим, қишлоқ аҳлининг ҳамжихатликидаги бундай байрам сайилларида иштирок этгим келаверди. Одамларимизни бирданликча қорлайдиган, оломонни халқ қиладиган, фарзандларимизга битмас-туганмас қувонч ато этадиган бундай сайиларимиз бор бўлсин!

Фозил МАМАШАРИПОВ, «Ниҳуқ» мухбири



Чорбоғда қиёмат бошланди, бойчечаклар айтомди ҳабар сўз. Дарҳақларни уйғотди шамол, Улар мудраб бир-бир очди кўз.

Чорбоғда қиёмат бошланди, Обиҳаёт тоғди абрдан. Бир кечада бодом гуллади, Бош кўтарди тоқлар қабрдан.

Мухаммад СИДДИҚ



Салим АШУР

ОНА ДИВОР

Тонглр ҳаёя этсин иссиқ қуёшин, Яна минг йил турсин минг йиллик чинор. Уяллар севинлар ҳар чўн, ҳар тошин, Дунё турғунча тур, эй она дивёр.

Эртанг буғунингдан ёруроқ бўлсин, Ботилар улгайсин бешиқларингда. Уяларинг бугдўйга, ризқ-рўзга тўлсин, Тариклар тириқсин қўшиқларингда.

Оналар аллеси янғарсин ҳар кун, Оталар ҳаммиси бўлсин худда. Фарзандлар зўр ишқида ёнмоғи учун Биз ёниб яшайлик бугун дунёда.

Биз ҳамин шу Ватанга жонини тикканмиз, Ҳасратимиз бор, бўлмағаймиз хор. Тупроғиниқ ниҳол, кўчат экканмиз, Дунё турғунча тур, эй она дивёр!

Наврўз байрами меҳроқибат, меҳнат, янгилиниш байраמידир. Унинг кириб келиши қаҳратон қишдан сўнг табиатнинг ўйғонишига тўғри келади. Шарқнинг буюк шоири Умар Хайём ўзининг «Наврўзнома» асарига ёзишича, «Наврўз» сўзи биринчи марта зардуштийларнинг муқаддас китоби — «Авесто»да тилга олинган. Унга кўра, яхшилик худоси — «Ахурамазда» («Хурмуз») баҳор ва ёзда, ёмонлик худоси — «Анхраманью» («Ахриман») кузда ва қишда ҳукмронлик қилар эмиш. Баҳорнинг биринчи куниди яхшилик худоси ёмонлик худоси устидан ғолиб чиққанда, ўша кунни муқаддас сана ҳисоблаб байрам қилишган. Бу сана Наврўз кунига тўғри келган.

Наврўз байрамининг тарихи 26 асрдан ортиқ вақтни ўз ичига олади. «Наврўз» куйининг яратилиши шох Хисрав



Наврўз тарихи, урф-одатлари,

Парвез замонида яшаган Марв шаҳрилик созанда — қўшиқчи Барбад номи билан боғлиқ дейилади. Нобб талант эгаси бўлган бу ёш қўшиқчини узок вақт мобайнида шохнинг Саркеш исми созаанда-қўшиқчиси саройга турли бонаҳолар билан яқинлаштирмайди. Уч марта ҳам саройга кира олмаган Барбад Наврўз шодибёнаси ўтаётган кунда Наврўзни улуғлаб қуй-

лайди. Булбул хонишидан ҳам тиник овозини эшитган Хисрав қўшиқчини саройга келтириш ва тақдирлашни буоради. Ва ушбу кун «Наврўз» куйи дунёга келган, қўшиқчи эса шараф олиб келган кун бўлиб, тарихда муҳрланиб қолади. Наврўз арафасида ва байрам кунни ширинликлар совға қилиш энг муҳим удуллардан бири бўлган. Абу Райхон Берунийнинг «Қадимги

халқлардан қолган ёдгорликлар» асарига ҳам Наврўз ҳақида қимматли маълумотлар келтирилади. «Наврўз кунни тонг отганди биров гап гаптиришдан олдин уч қошиқ асал ялаб, уч бўлак (хушбўй) мум тутса, бу кўп касалликларга шифо бўлади... Наврўзнинг олтинчи, яъни «катта наврўз» кунни гаптиришдан олдин шакар тотиб, ўзига зайтун (ёғи) суртган кишидан шу йилнинг

ҳаммасида турли бало даф этилади». Тарихий манбалардан олинган маълумотларга кўра, баҳор байрамлари инсоният вужудга келиши билан пайдо бўлган. Кейинчалик бarcha халқларда турли шакл ва турли номлар билан нишонланган. Масалан, японларда — «Риссон», хитойликларда «Чуньпзе», славян халқларда — «Масленица» номи

мунаввар олам!



...Хар кунинг бўлсун Наврўз

Миллий байрамимиз Наврўз яна останада турибди. Унинг шукуҳини одамларнинг юз-кўзидаги кайфиятидан, шошилиб кўз очатган куртакларнинг димоққа хуш ёқувчи ифоридадан сезиш қийин эмас. Пойтахтимиздаги Алишер Навоий номли Миллий боққа кириб келган кишида ҳам мана шундай таассурот пайдо бўлишига гумон йўқ. Ям-яшил майсалар билан қопланган боғдаги дарактлар келинчақлардек безаниб олган. Узоқдан доноларча ҳассасига суюниб турган буғи бобомиз Алишер Навоийнинг ҳайкалига кўзингиз тушиши билан, ул зотнинг:

*Хар тунинг қадр ўлбон
Хар кунинг бўлсин Наврўз...
деган сатрлари ёдингизга тушадди. Марказда барпо этилган кўп минг кишилиқ амфитеатр меҳмонларни кутиб олиш учун шай. Биз машҳур режиссёр Баҳодир Йўлдошевни ёрдам-*

чилари билан иш устида учратдик. Олиб борилаётган ишлардан кўриш мумкин-ки, бу йил байрам ўзгачароқ ташкил этилган. Байрам сценарийси билан танишган киши унинг кўпроқ сайил тарзида ўтказилишига гувоҳ бўлади. Хар бир иштирокчида, меҳмонда байрамона кайфиятини, ўз миллий урф-одатларимизга ҳурмат руҳини уйғотиш бош мақсад қилиб олинган. Минг кишига яқин байрам иштирокчилари юртимизнинг турли бурчақларидан аллақачон етиб келишган. Хуллас, Наврўзнинг энг муҳим томошалари бўлиб ўтадиган Миллий боғда иш қизган. Бу қизган жараёнларнинг гувоҳи бўлган кишининг кўнглида бир туйғу кечилишига шубҳа йўқ. — Обод юртга, фаровон элга байрамлар ярашади. Юртимиздан файзу барака ҳеч қачон аримасин! **А.МУСТАФОКУЛОВ**

*Соҳларимда соғинчларнинг соялари,
Кўзимдаги чاقмоқларим сўниб кетди.
Нега жимман, нега исён қилмаяман —
О, мен наҳот Сизсизликка қўниб кетдим?*

*Нега кетдим, истарим не манзил эди,
Мен Сизсиз ҳам дунёларга доҳилдим.
Бағрингизга қайтгим келар. Бағрингизда
Мен Гул эдим... мен Дил эдим... Кўнгли эдим.*

*Қароғимда қолиб кетди суратингиз,
Худойимдан нега мени сўрмадингиз?
Айроликда ёмғирлардай тўқилдим мен —
Келмадингиз, билмадингиз... кўрмадингиз.*

*Мендан кейин мендай олов кўрдингизми,
Чакмоқларим сўниб кетди — сўндингизми?
Тунлар бўи-бўи... тушларимга кирмаясиз —
Охир Сиз ҳам Менсизликка кўндингизми?
Бағрингизга қайтгим келар...*

ЗУМРАД

Ўзбеклар тўйсевар, байрамсевар халқ. Бу элнинг байрамлари гўзал, урф-одатлари гўзал. Биз асли хайитдан олдинги кунни арафа деб атаб, хайитгача қилинадиган ишларни арафада тугатишга одатланганмиз. Шунингдек, тўй бошламоқчи бўлган кишилар ҳам аввало ишни тайёргарликдан бошлайди. Атрофларни тозалайди, уйни таъмирлайди. Хуллас бу ёғи улуг арафа.

Бугун юртимизнинг қайси гўшасига бормайлик боғми, бирор муассасами кўкалам-зорлаштирилаётганига, кенг кўламдаги ободонлаштириш ишлари бўлаётганига гувоҳ бўламиз. Буларни кузата туриб, халқимиз яна бир байрам арафасида турганлигини ҳис қиламиз. Тўйнинг «бўлди-бўлди»си сингари байрамнинг ҳам арафаси гўзал. Қишдан димиққан, муттасил совуқдан зериккан дилларда уйғониш, яшариш жараёни бошланади. Бу худди куртакларнинг кўз

Арафа

очишига, далаларнинг яшил либосга бурканишига ўхшайди. Ана бир ўрик ниҳоли олтига гулкуртагини авайлаб, шаббодада енгил титрамоқда. Илк бор гуллаш арафаси. Илк мева тугиш арафаси. Бошланаётган бу баҳор кимнингдир кўнглига илк ҳаяжон солажак, бу ҳаяжон боис улғайганини ҳис қилар бир инсон. Чунки инсон улғайгани учун севмайди, севгани

сабабли улғайганини ҳис қилади. Бу эса етуқлик, балоғат арафаси... Бошланаётган бу баҳор кимлардандир ўтган араз-гиналарни унуттишга, кимнингдир бир оғиз сўзи билан дарз кетган кўнгил ойнасини бутлашга, кимнингдир юрагининг қат-қатиға сингиб кетган армонининг рўёбга чиқишига умид уйғотар балки.

Биз шу кунларда баҳорнинг энг гўзал байрами Наврўз арафасида турибмиз. Хар ким ўз кўчатини меҳр билан ўтказишга, илиқ кунлардан самарали фойдаланишга шошилмоқда. Бир кун олдин эксанг, ўн кун олдин йиғасан, дейишадди дехқонлар. Зеро, бу кунларнинг хар дами ганимат. — Мен Наврўз байраминида қўшиқ айтаман, дейди бир қизалоқ энтиқиб. Сумалакка ўстирилган бугдойни тавоф қиларкан бир онахон «омонлик—омонлик», деб кўзга суртади. Бугун борлиққа қўшилиб кўнгиллар уйғонапти.

Шерзод АБДУСАМАДОВ,
«Ниҳод»нинг жамоатчи мухбири

МАЖНУНТОЛ

*Мажнунтол, мажнунтол, масрурсан мунча,
Эзилганин кўйи мағрурсан мунча.
Елғизлик либоси мунча ярашган,
Ожизгина бўлиб сен зўрсан мунча.
Ишқни осмонга йўллайди терак,
Хар дарахт осмонга ўзича тирак.
Улар бўлишқларни кучоқлаверсин,
Осмонни сеничалди севмася керак.*

*Ошиқлар висолини кунда истаиди,
Юлдузлар бир-бирин тунда излайди.
Сен сабр тимсоли, бардош тимсоли,
Бардошлар бардошини сендан излайди.
Сен севги қизисан, изтироб қизи,
Сийратингдан мастдир ақдорнинг кўзи.
Осмонларни севиб, ерга эзилсанг
Пойингга қўлайди осмоннинг ўзи!*

*Мажнунтол, мажнунтол, масрурсан мунча,
Эзилганин кўйи мағрурсан мунча...*

Манзура ШАМС

Наврўзнинг муборак,

эй, она халқим!

Наврўз — халқимизнинг азалий удуми, тириклик ва ёруғлик айёми сифатида қадрлидир. Бу айём уч минг йилдан буюн эъозланиб, ардоқланиб келинмоқда. Бу байрам замирида элимизнинг қадимий, ўлмас куй-қўшиқлари, рақслари, санъати, маданияти, қадриятларимиз, ўзлигимиз муржа саммалашган. Шунинг учун бўлса керак, элимиз бу шодиёни илҳақлик билан кутади. **Наврўз йилдан-йилга яшариб, навқирон бўлиб, яшаб, шодлик ва хурсандчилик элимиз эса уни хар сафар хушнудлик ва кўтаринки кайфиятда кутиб олишга ошиқади. Илоё Наврўзимиз боқий бўлсин!**

*Боғларинг гуллади бир кун сабоҳда,
Барча оточларинг суманбар бўлади.
Май ичиб юраги — тўла қадаҳда,
Барча туркийларинг қаландар бўлди.
Наврўзинг муборак, она Туркистон!*



билан юритилган. Марказий ва Урта Осиё халқларида эса «Наврўз» ёки «Иил боши» деб аталган. Наврўз кунни дунёга келган чақалокларга Наврўзбек, Наврўзгул исмлари қўйилган. Наврўз кунлари «чақалок қўрди», «келин чорлади» маросимлари ўтказилган. Ўзбек халқининг энг яқини аъналаридан бири бу Наврўзнинг шоҳ таоми — сумалақдир. Айниқса уни

қадриятлари...

пиширишга бағишлаб ўтказилган сайил катта тайёргарликлар билан ўтказилган. Сумалак сайили икки қисмдан — сумалак тайёрлаш ва сумалакхўрликдан иборат бўлган. Сумалакни асосан аёллар тайёрлашиб, кўпчилик иштирок этган. Сумалак — биби Фотиманинг оши дейилади. Биби Фотима сумалак пишираётганларга бош-қош бўлиб турармиш. Агар тонготар

маҳали у сумалакка беш бармогини урмаса, Наврўз таоми қиёмияга етиб пишмайди, деб ирим қилишган. Сумалак сайлида сумалакчи бувилар қизларга самоддаги етти қолдузга илтижо этишни, сумалак ичидаги тошни асрашни буюришган. Фарзанд кўрмаган келинчакка сумалак пишгач, биринчи бўлиб сумалак ялатишган.

Наврўз байрами арафасида етти хил дон (бугдой, арпа, нўхат, жўхори, гуруч, мош, ловия)дан гўжа тайёрланиб, қўни-қўшни, қариндош-уруғларга тарқатилган. Шунингдек, «С» ҳарфи билан бошланувчи етти хил кўк ўсимлик (сиб-олма, сир-саримсоқ, пиёз, сирка, сатар-тошгул, сиёдон-қора данак, синджид-ёввойи дон-қора данак, синджид-ёввойи зайтун) кабилар уруғидан ўстирилган кўкатлар) билан дастурхон безатилган.

Шоира КОДИРОВА
тайёрлади

Хонбири ҲИММАТ қизи



ХОРАЗМ ВИЛОЯТ ПРОКУРАТУРАСИДА ХАЙРИЯ ҲАШАРИ

«Наврўз» байрами арафасида мамлакатимизнинг барча худудиди хайрия ҳашари бошланиб кетди. Вазирлар Маҳкамасининг «Наврўз» умумхалқ байрамини нишонлашга пухта тайёргарлик қириш ва хайрия ҳашари ўтказиш тўғрисида»ги фармойишига асосан Хоразм вилоят прокуратурасида ҳам хайрия ҳашари бўлиб ўтди. Вилоят прокуратураси ва СВОЖҚБ ҳодимларининг барчаси эрта-лабданок вилоят прокуратураси биноси рўпарасидаги «Авесто» бог мажмуига тўпланишди. 8,5 гектар майдонда кун буйи меҳнат қилган прокуратура ҳодимлари боққа минг тупдан зиёд мевали ва манзарали кўчатлар ўтказишиб, ҳашарга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшилар. Шунингдек, «Сихат-саломатлик йили» дастурида белгиланган тadbирларни амалга ошириш учун вилоятда олиб борилаётган бунёдкорлик ишларига амалий қўмак бериш мақсадида вилоят прокуратураси ҳодимларининг бир кунлик иш ҳақи миқдоридидаги маблағлари вилоят «Маҳалла» жағфармаси ҳисобига ўтказилди. **Азизбек ВАҲАБОВ,**
Хоразм вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси
Суратда: Хоразм вилоят прокуратураси ҳодимлари хайрия ҳашарида.

Халқим, юксалавер

КАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ: «QONUN HIMOYASIDA» ЖУРНАЛИ ВА «HUQUQ» ГАЗЕТАСИ КУНЛАРИДАН РЕПОРТАЖ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).
Қашқадарё деганда буюк саркарда, улкан давлат асосчиси Амир Темурнинг киндик қони тўкилган муқаддас замин кўз олдимизга келади. Яна чўқур тарихий илди-ларимиздан далолат бериб турган виқорли кўҳна саройлар, мадраса ва мақбараларнинг улғуворлигидан кўнгли гурурга тўлган танти, мард, ваъдасининг устидан чиқа оладиган юз минглаб юртдошларимиз намоён бўлади. Ва яна осмонлар тоғлар, жилға ва шўх ирмоқлардан баҳра олгувчи обод боғлар, улкан хирмондан далолат берувчи ям-яшил бугдой майсазорлари, бепоен далалари аددасиз полякиз-галдоқлар билан қопланган муқаддас макон бу Қашқадарё деганлари. Биз, тахририятнинг бир гуруҳ ходимлари Қашқадарё воҳисига кириб борар эканмиз, жамият тараққиётига етарли даражада ҳисса қўша олган кўлаб ар-боблар, шоир-ёзувчилар, салоҳиятли инсонлар билан мулоқот қилиш масъулияти зиммамизда эканини тушуниб турардик. Қашқадарёдаги учрашувларнинг индаллосида Муборак шахри турар эди.

АФСОНАВИЙ МАЖМУА ВА САЛОҲИЯТЛИ КИШИЛАР ХУЗУРИДА

Соҳибқирон Амир Темур ўз тузукларида «...не ишга чоғланмайин унга азму-жам билан киришдим, азму-шижоатли бир киши гайрат отидан бена-сиб минг кишидан афзалдир» дейди. Муборак шахрига кириб борар эканмиз, мана шундай шижоат камарини мерос қилиб олган замондошларимиз барпо этган улкан газни қайта ишлаш заводи узоқдан кўзга ташланди. Унга қараб замонамизнинг атоқли шоири Аб-

дулла Ориповнинг **Халқим, юксалавер офтобдай баланд, Кутлуғ замон сенга елқасин туттай** деган сатрлари ёдга тушади. Мамлакатимизда қайта ишланадиган газнинг 70 фоизи, ишлаб чиқариладиган жами олтингуруртнинг 93 фоизи мана шу завод ҳиссасига тўғри келиши унинг кудратидан далолат бериб турибди. Айтишларича, бу ерда икки минг икки юз киши меҳнат қилар экан. Завод маҳсулотлари чет элларга экспорт қилинаётганлиги ҳам қувонарли ҳол эди. Мажлислар залига тўпланган завод жамоаси фаолла-



ри билан учрашув кўтаринки кайфиятда бошланди. Директор Ўктам Умаров тадбирни очар экан, ушбу мулоқот янги бир цех очилиши арафасида ўтаётганини айтиб, бу ерда тез кунларда пропанни қайта ишловчи мажмуа ишга тушиши ҳақида гапирди. Шундан кейин сўзга чиққан «Qonun himoyasida» бирлашган тахририяти бош муҳаррири Абду-холиқ Абдураззоқов газетачи бўлибди, уларни тахририятнинг бугунги фаолияти, режалари билан таништирди.

— Бу ерда таширфимиздан бир нечта мақсадни кўзлаганмиз. Булар жойлардаги ҳуқуқий ислохотлар билан янада чўқурроқ танишиш, муштарийларнинг газета ва журнал ҳақидаги фикрини ўрганиш, ва албатта бевосита мулоқотлар

орқали ўқувчилар билан алоқаларимизни янада мустаҳкамлашдан иборат.

Ҳозир газетамизнинг 21.000 дан зиёд, журналимизнинг эса қарийб 16.000 нафар обуначиси борлигини ҳисобга оладиган бўлсак, салмоқли аудиторияга эгамиз деб бемалол айтишни мумкин. Мустақилликкача республикамизда бироррта ҳам ҳуқуқий нашр бўлмаган. Марказда ўтирган империяпараст кучлар «қонунларни биз чиқарамиз, сизлар фақат унга бўйсунсаларинг бўлди» қабилида иш кўришган. Мустақиллик туфайли ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш сари даридил қадамлар ташланмоқда. «Ҳуқуқий нашрлар лигаси»нинг пайдо бўлганлиги ҳам фикримизга мисол бўла олади.

Маълумки, қонунларимизда давлат ва фуқаро манфаати рўпара келиб қолганда фуқаронинг манфаати устун деб қаралиши белгилаб қўйилган. Бизнинг тахририят ҳам мана шундай устувор вазифани юзага чиқариш, прокуратура фаолияти ошқоралигини таъминлаш ва ушбу идора билан жамоатчилик ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш учун баҳолли кудрат

хизмат қилиб келаётми. Газета ва журналда чиқадиган мақолаларнинг аксарияти шу мақсадга йўналтирилган. Шунингдек, хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар саҳифаси газетамизнинг фахридир. Бوشка нашрлардан ажралиб турадиган томонимиз ҳам шу ерда. Бизга жўнатилган хатлар, шикоят ва аризалар эътиборсиз қолмайди. Тегинли идораларга жўнатилиб албатта жавоб олинади. Энг эътиборли жиҳати шундаки, шу пайтгача бизга Муборак туманидан бироррта ҳам шикоят ё ариза боргани йўқ. Демак, бу ерда соғлом муҳит мавжуд эканлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Газета ва журнал ҳақида тақлифларингиз бўлса, бемалол айтаверинглар. Бу ерда айнан шу фикрларни олиш учун келганмиз.

Шундан кейин сўзга чиққан Қашқадарё вилояти прокурорининг биринчи ўринбосари Фарҳод Шайманов нашрларимиз ҳақида фикр билдирар экан, газета саҳифаларида қонунларга шарҳ берилса уринли бўлишини таъкидлаб ўтди.

Муборак газни қайта ишлаш заводининг маънавият ва маърифат маркази бошлиги Юсуф Сиддиқов тахририят фаолиятига юқори баҳо берди. Тақлиф тариқасида у чет эл детектив асарларидан намуналар бериб боришни, маҳаллий ёзувчилар ижодига ҳам эътибор қаратишни тавсия этди.

Қорхонанинг ҳуқуқшуноси Қаҳрамон Каримов

меҳнат муносабатларига оид ҳуқуқий норматив-ҳужжатларга чуқурроқ эътибор қаратиш лозимлигини айтди.

Завод электроцеҳи бошлиги Ўрмонжон Жўраев эса ўз чиқишида фуқароларнинг ҳуқуқларини танитишда газетанинг хизмати катта бўлаётганини айтиб, янги қонунвақорларнинг «Нуқуқ» да мунтазам бериб бориш кераклигини таъкидлади.

Шундан кейин баҳс-мунозаралар қилиб кетди. Фуқароларнинг фаолигидан уларнинг ҳуқуқий савияси анча юксалганини билки олиш қийин эмасди.

ДУОЛАР ИЖОБАТ БЎЛГАЙ

Истиқлол йилларининг тарихан қисқа, аммо мазмунан бой меросига назар ташлар эканмиз, мамлакат тараққиёти фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаолиги, моддий-мулкий ҳолати ҳамда маънавий қиёфасининг нечоғли ўй-қилишувини янада теранроқ ҳис қилиш мумкин. Ижодий сафар мобайнида вилоятда адролат тамойиллари янада кенгрок қарор топаётганлигининг шохиди бўлди. Вилоят прокуратурасида прокуратура, суд ва бoshка ҳуқуқни муҳофазаси қилувчи органлар ходимлари, вилоятда чоп этилаётган ҳуқуқий нашрларнинг ижодкорлари билан бўлган очик мулоқот «Qonun himoyasida» бирлашган тахририяти ижодий жамоаси учун муҳим, қизиқarli ва ибратли учрашув бўлди.

— Зиммамизда катта билим, маҳорат, изланиш ва энг муҳими катта масъулият талаб этадиган вазифа турибди, — деди вилоят прокурори Эшдавалат Жўраев. — Мақсад аниқ, Фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат барпо этиш асосларини шакллантириш ҳар биримиздан нафақат билим ва тажриба, қолаверса, улкан салоҳият, маҳорат, эзуклик, инсон руҳияти билан ҳисоблашиш ҳамда яқдиллиқни талаб этади. Бу жараёнда халқ ҳаётига чуқурроқ кириб бориш, инсон ички оламнинг сир-синоатларини мукамал ўрганиш лозим. Айниқса, ҳозирги замон кишининг ҳуқуқий билим ва малакаси кун сайин, соат сайин ўсаётган бир пайтда бу жиҳат муҳим аҳамият касб этади. Бугун ҳар бир фуқаро мамлакат ҳаётида қандай урин тутаётганлиги, сиёсат майдонида қандай мавқега эга эканлигини жуда яқши тушунади. Демакки, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш шунчаки оддий иш эмас. Барча ҳуқуқни муҳофазаси қилувчи идоралар ходимлари ўз устида иш-лаши, ишлаганда ҳам кунт билан, масъулият билан изланиши лозим. Бу хусусда мамлакат раҳбари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўша мажлисида ай-

тиб ўтган фикрлар ҳам амалдаги қонунларни ҳар бир фуқаронинг онига етказиш, тушунтириш, ҳуқуқий фаолигини ошириш нечоғли зарур ва муҳимлигини аниқлатади.

«Қонун ва бурч» газетаси муҳаррири Ҳафиза Эгамбердиева, «Посбон» газетаси муҳаррири Ўроз Ҳайдаров, вилоят солиқ бошқармаси бошлигининг ўринбосари Р.Эгамов вилоят боғжона бошқармаси қотибяти вакили Ч.Иноятовларнинг фикр-мулоҳазалари қонунларни тарғиб қилиш, ҳуқуқий ислохотлар билан боғлиқ ўзгаришлар, жамоатчилик билан алоқалар хусусида янги-янги режаларга асос солди.

Учрашув сўнггида «Qonun himoyasida» ва «Нуқуқ» газетасининг фаол тарғиботчилари — вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси Суҳроб Насруллаев, Муборак туман прокурорининг ёрдамчиси Акмал Сайфиддинов, Қашми тумани халқ таълими бўлими методисти Тўйчи Қаршиевлар эсдалик совғалар билан тақдирландилар.


Йигин иштирокчилари учрашув дастурига киритилган «сумалак сайли»да ҳам қатнашдилар. Наврўзнинг тотли таомни бўлган сумалакни қап-гирлар билан қовлаб, эзгу тилаклар айтишди. Момоларнинг дуоси-



ни олишди. Бу билан тарихий илди-ларимизга, кўп асрлик урф-одатларимизга ўзига ҳос тарзда эҳтирон кўрсатилди. Бундай сайил Қашқадарёда бу йил ҳисобидан илк бор ташкиллаштирилганини таъкидлаш жоиз.

ҲАР КИМНИНГ ЎЗ ЎРНИ БОР

Навбатдаги учрашувимиз Қарши Давлат университетининг талабалари билан бўлди. Учрашуви университет ректори, профессор Гулмираза Худойбергенов олиб борди. У мазкур даргоҳ ҳақида сўзлар экан, талабаларнинг қандай таълим олиши, ўқув жараёндаги университетнинг қайноқ ҳаётига алоҳида тўхтади. Шундан сўнг сўз навбати бирлашган тахририят бош муҳарририга берилди.



офтобдай баланд

— Газета ва журнални қўллаб-қувватлайдиган, унга бўлган эътиборни белгилайдиган жиҳат — обунадир. Қашқадарёга келиб, обуначиларимиз билан икки жойда учрашув ўтказдик. Бу мулоқотлар кутганимиздан ҳам яхши таассурот қолдирди. Юзма-юз мулоқот ижодкорни ҳаётнинг ҳақиқий манзараларига кенгроқ эътибор қаратишга ундайди.

Университет талабалари билан ўтказилаётган бугунги учрашув ҳам ижоднинг янги қирраларини очишга туртки бўлади деб умид қиламиз. Энди бевосита нашрларимизнинг ўзига тўхталадиган бўлсак, яхши биласизки, журналимиз 1996 йилдан, газетамиз эса 1997 йилдан буён чоп этиб келинмоқда. Ўтган давр мобайнида биз ҳар икки нашрнинг мазмун-мундарижасини кенгайтириб, чоп этилаётган материалларнинг таъсир кучини оширишга ҳаракат қилаёلمиз. Газета ва журналда кўтарилган масалани ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилган. Бу борада Республика Бош прокуратураси ва унинг жойлардаги органлари яқиндан кўмак бериб келмоқда.

Журналимизнинг бошқа нашрлардан фарқли жиҳатларидан бири шуки, унда хорижий асарларнинг таржимасини эмас, балки ўзбек детективи ижодкорларининг асарларини мунтазам бериб бораемиз. Масалан, ёзувчи Алишер Ибодиновнинг «Латофат дўконидagi қатл» қиссаси берилганидан сўнг, ўқувчиларнинг журналга бўлган талаби биз кутгандан ҳам ошиб кетди. Мавжуд эҳтиёжни эътиборга олиб, бу асарни «Qonun himoyasida» кутубхонаси-сериясида китоб ҳолида чоп этдик. Китоб қайта-қайта босилди.

Нашрларимизни халқораро стандартлар даражасига олиб чиқишда мавзулар ранг-баранглиги билан бирга, унинг дизайнига ҳам эътибор қаратилмоқда. Агар журналимизнинг муқоваси рангли, ички саҳифалари эса тўрт рангда чоп этилаётган бўлса, газета саҳифаларини ҳам шу даражага етказиш ниятимиз бор. Бу борадаги дастлабки тажрибаларимизнинг ўқувчиларга маъқул бўлаётгани кузатилди. Газетамизнинг 8 март сони бунга ёрқин далилдир.

Бойназар Йўлдошев, хорижий тиллар факултети декани:

— Хат орқали килинадиган ёзишмадан кўра, юзма-юз учрашувларнинг нафақат тахририят ходимларига, балки ўқувчиларга ҳам фойдали жиҳати кўпроқдир.

Бугунги кунда республикамизда олти юздан зиёд газета-журнал чоп этиб келинаётган бўлса, уларнинг ҳар бири ўзига хос. Айричлари мамлакатимизнинг бугунги ҳаётини кенгроқ қамраб олишга ҳаракат қилиб, ўқувчига кўпроқ маълумот беришга интилар, баъзиларни олдиқочди материаллар билан саҳифасини тўлдиршига ҳаракат қилади. Лекин ачинарлиси шундаки, ушбу нашрлар ичида «кўнглиочар», «буларварий» газеталар кўпайиб кетган. Чунки улар, менимча, кишини фикрлашга, содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар хусусида мушоҳада қилишга чорлаш ўрнига, жуда саёз, уйдирма маълумотлар билан чалғитишга уринмоқда, холос.

Мана юқорида бош муҳаррир «Qonun himoyasida» журналида таъсис этилганидан буён фақат ўзбек детективи асарлари бериб борилаёт-

ганига алоҳида тўхталиб ўтди. Буни ушбу нашрнинг улкан ютуғи деб ҳисоблаш мумкин. Мисол учун, Сафар Каттабоевнинг «Ғалати ўғри» асари менда яхши таассурот қолдирди. Хорижий ёзувчиларнинг асарларидан ҳечам қолишадиган жойи йўқ. Қолаверса, ўзбек муаллифларини қўллаб-қувватласак, Ўзбекистонда ижодий муҳитнинг ривожига катта ҳисса қўшган бўламиз.

Албатта, бу билан хорижий материалларни умуман бермаслик керак демокчи эмасман. Масалан, «Жиноят ва жазо» романининг улкан ютуғи — Фёдор Достоевский бош қаҳрамон Раскольников образи орқали ўша жиноятнинг илдизини очиб бера олганидадир.

Шунинг учун биз севиб ўқийдиган «Ниқуқ» газетаси ва «Qonun himoyasida» журнали саҳифаларида таҳлилни чуқурлаштиришга, шунингдек ўзбек заминда етишиб чиққан мутафаккирларнинг, Арасту, Афлотун каби файласуфларнинг ҳуқуқий қарашларига кенгроқ эътибор қаратиб борилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Шерзод САҒОЕВ, талаба:

— Айни пайтда «кўча газеталари»нинг сони кўпайиб кетди. Айримларининг тиражи юз мингдан ошиб кетган. Бу мазкур газета учун кенг иқтисодий имконият яратлади. Бирок, бу каби газеталарнинг кўпай-



иб бораётганига чек қўйиш ёки бўлмаса бошқа йўлар билан уларнинг савиясини ошириш вақти етмадимикан? Чунки, бу газеталар уларни қизиқиб ўқиб бораётган ўқувчиларнинг ҳуқуқий онгини, дунёқарабини ошириш ўрнига акс таъсир кўрсатмоқда.

Бахтиёр НАЗАРОВ, бош муҳаррир ўринбосари:

— Албатта, мамлакатимизнинг бугунги ҳаёти, ечимини кутаётган муаммолар ўрнига ўша газеталарнинг саҳифалари сиз айтётган мазмундаги материаллар билан тўлдириб борилаётгани умумий мақсадимизга мувофиқ эмас. Бирок, бунинг учун унинг чоп этилишини таққиллаш амалдаги қонунларга тўғри келмайди. Қолаверса, мамлакатимизда бозор иқтисодиёти қонунлари ҳукм сураётган экан, демак, ҳар қандай тақлиф талабдан келиб чиқади. Газета учун талаб эса ўқувчининг савияси билан bog'лиқ. Бахонинг ўқувчи беради. Лекин бугунги кунда газетанинг эмас, балки ўқувчининг савиясини кўтарши лозим деб ҳисоблайман. Шундангина нашр қарерда, ким томонидан чоп этилишидан қатъи назар, ўқувчи уни ҳар қандай шароитда ҳам



излаб топиб ўқишга ҳаракат қилади.

Гулмираза ХУДОЙБЕРГАНОВ, университет ректори:

— Бугунги кунда университетимизда етти мингдан зиёд талаба ўттиздан ошми мутахассислик бўйича таълим олмоқда. Ёшларнинг эҳтиёжидан келиб чиқиб, талабаларга билим ва маҳоратини оши-

ШАҲРИ КЕШГА ТАШРИФ

Баҳорнинг илк кунлари уловда савҳатга чиқиб, атрофни томоша қилиб кетишнинг завқи бўлачак. Университетдан чиқиб соҳибқирон вояга етган замин — шаҳри Кеш сари йўлга тушдик. Машина ойнасидан қараб борган кишининг кўз олдидан кўнглини тўлдирадиган кўм-кўк майсазорлар, шудгорланиб экишга тайёрлаб қўйилган дала-лар, дала четида қўлларини дуога очган мўйсафидлар мисоли турган туллар лип-лип этиб ўтади. Қаршидан Шаҳрисабзгача бўлган масофани бир соатдан зиёдрок вақт мобайнида ҳазил-хузул билан босиб ўтдик. Йўлда кўзимиз тушган кишлоқлар, мактабдан қайтаётган болалар, офтобўрда гурунглашиб ўтирган чоллар, томорқасида ер ағдариб кўчат экаётган йигитлар ҳақидаги таассуротлар ҳаёلدан кетмай туриб қашқадарёлик муаллимиз Гулчеҳра Жўраева манзилга яқинлашаётганимизни эълон қилди.

Жаҳонга машҳур Оксаройнинг ёнидан ўтиб, шаҳар маданият саройида бизни кутиб турган ўқувчиларимиз, деҳқон ва фермерлар, муаллимлар, маҳалла фаоллари хузурига ошқар эканмиз, тadbирдан сўнг соҳибқирон шон-шухратининг тимсоли бўлмиш бинони бир зиёрат қилишни кўнглига тугдик.

Учрашувни Шаҳрисабз туман прокурори Шероббо Хуррамов очди. Бирлашган тахририят бош муҳаррири сафардан қўзланган мақсад, нашрларимизнинг бугунги фаолияти ҳақида сўзлаб берар экан, йилганларни оқиқ мулоқотга чорлади. Учрашув иштирокчиларининг виллоят нашрларига муносабати, вақтида берилаётган иш ҳақлари, фермерларга ҳуқуқий ёрдам сифатида газета ва журнал саҳифаларида қонун ва қарорларни шарҳлари билан чоп этиш зарурлиги тўғрисидаги тақлиф ва саволларига бош муҳаррир Абдуҳолик Абдуразоқов, виллоят прокурорининг ўринбосари Мирза Каримов, виллоят прокурорининг катта ёрдамчиси Довуд Маъдиевлар жавоб беришди.

Фермер Элмурод Қурбоновнинг айрим ҳолларда таъминотчи корхоналар томонидан фермерларнинг ҳуқуқлари бузилётгани ҳақидаги фикрига муносабат билдирар экан, Шаҳрисабз туман прокурори Шероббо Хуррамов фермер ёнлиғи ва минерал ўғитни вақтида ололмади, тузилган шартномага мувофиқ

ҳўжалик судига даъво киритиб, бой берилган фойдани, етказилган зарарни айбдорлардан ундириб олиши мумкинлигини таъкидлади.

Шунингдек, фуқаролар томонидан кўпгина жўяли тақлиф ва мулоҳазалар ҳам билдирилди. Жумладан, кишлоқ ҳўжалиғига оид фермон ва қарорлар ижроси, коммунал хизматга оид муаммоларни газета саҳифаларида чуқурроқ ёритиш зарурлиғи таъкидланди. Тахририят жамоасининг маҳалларда ҳам учрашувлар ташкил этиши мақсадга мувофиқ бўлиши кўрсатилди. Берилаётган ўткир-ўткир саволлардан бугунги фуқароларнинг ҳуқуқий савияси кечаги кундагидан тамоман фарқ қилиши кўри-ниб турарди. Бу эса мамлакатимиз ахли орзу қилинган ҳуқуқий демократик давлат сари дадил одимлаётганидан даррақдир.

Бахс-мунозаралардан сўнг виллоят прокурорининг катта ёрдамчиси Довуд Маъдиев ва бирлашган тахририят адабий котиби Ҳасан Нишоновлар ўз шеърларидан ўқиб беришди. Қашқадарё виллоятида ўтказилаётган «Qonun himoyasida» журнали ва «Ниқуқ» газетаси кунлари дастурига биноан саҳнага «Ҳандалак» қизиқчилар гуруҳи аъзолари Ортиқ Султонов ва Зокир Очилдиевларнинг чиқиб келиши йилганлар учун ҳақиқий тухфа бўлди. Уларнинг ичакузди ханго-маларини шаҳрисабзликлар узок вақт эслаб юрсалар ажаб эмас.

ЎТМИШ ВА КЕЛАЖАК ТУТАШГАН МАНЗИЛ

Шаҳрисабздаги учрашувдан кейин Оксаройни зиёрат қилдик. Унинг ҳар бир гишти, нақшинкор қошинлари бизга узок тарихимиздан сўзлар эди гўё. Шу уримизда эса бугунги учрашувдан сўнг кўнглида туғилган режалар чарх урарди. Шу маънода Оксарой ўтмиш ва келажак туташган манзил бўлди биз учун. Фахрулфтиҳор, улкан орзу-умидлар билан пойтахтга қайтдик. Ижодкор сифатида муваффақиятга эришиш учун бундай туйғуллар муҳим аҳамиятга эга.

Саҳифа материалларини «Ниқуқ» муҳбирлари Абдурахмон МУСТАҒОҚУЛОВ, Дониёр ХАЛИЛОВ, Гулчеҳра ЖўРАЕВА, Ҳасан НИШОНОВ тайёрладилар. Суратлар муаллифи Шумурод ШАРОПОВ

FARMON VA IJRO

Вазирлар Маҳкамасининг «Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарор қабул қилинганига салкам 3 йил бўляпти. Бироқ ҳамон жойларда пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласи давом этмокда.

Бунинг сабаби нимада? Бу қонунбузарликларни кимлар содир қилляпти? Уларнинг оқсидида кимлар турибди? Шу каби саволларга жавоб топши мақсадда Республика Бош прокуратурасининг бошқарма катта прокурори Қаҳрамон Иброҳимов билан суҳбатландик.

НАҚДИГА

ИШҚИБОЗ МУОВИНЛАР

— Қаҳрамон ака, нақд пул ижтимоий ҳимоя негизини ташкил қилади. Айтилинг, пенсионер ўқитувчи, врач ва бошқа соҳа ходимларига давлат ҳисобидан маблағ ажратилади. Бироқ ана шу маблағлар нақд пул билан таъминланмас, катта муаммо пайдо бўлади. Лекин...

— Фикрингизга тўшундим. Ҳақиқатан ҳам пенсионер нафақасини вақтида олмаса, ўқитувчи ёки врач, қўйинки, ўзимиз ҳам маошимизни вақтида олмадик, корхона раҳбаринан норози бўламиз. Бу бор гап. Хар бир ходим маошини талаб қилишга ҳақли. Пенсия ва маошларнинг ўз вақтида берилишини таъминлаш мақсадида прокуратура идораларни анча ишлар қилмокда. Бу борада Бош прокуратуранинг нақд пул тушувларининг банкдан ташқари айланмасининг олдини олишга диққат фармоиши чиқди. Шу асосда ишчи гуруҳи тузилиб, дастур ишлаб чиқилди. Қилинган саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ шу йил 1 январига ҳақ республикамизда биринчи даражали тўловлар бартаф этилди. Бу билан нақд пул масаласи ҳал бўлди дедикчи эмасан. Бу борада ўтган йили прокуратура органлари томонидан 1357 та жиноят ишлари кўзга тилиди.

— Шунча жиноят иши кўзга тилинган экан, айтинчи, нақдлаштириш қайси тизимларда кўпроқ аж олган. Бу ҳолат таҳлил қилинганми?

— Албатта. Нақдлаштириш усуллари таҳлил қилинганда, пул ўтказиш йўли орқали олинган юқори ликвидли махсулотлар ва қурилиш материалларини нақд пулга сотиш орқали 71.6 млрд., дилерлар томонидан автома-

шиналарни пул кўчириш йўли билан сотиш натижасида 15.7 млрд. сўм, фирмалар томонидан авиа чипталар сотиш йўли билан эса 4.1 млрд. сўм пул нақдлаштирилганлиги маълум бўлди. Бундан ташқари, қалбакишартномаларга асосан товараufsиз операциялар ўтказиш йўли билан 3.1 млрд. сўм ҳамда бошқа йўллар билан 14 млрд. сўм нақдлаштирилгани аниқланди.

Нақдлаштирилган пул маблағларининг аксарият қисми Тошкент шаҳри, Бухоро, Фарғона, Самарқанд, Қашқадарё, Навоий, Андижон ҳамда Наманган вилоятларига тўғри келади.

— Пуллари нақдлаштиришда жойлардаги маҳаллий ҳокимият, солиқ, банк ва бошқа ҳўжасиз юристуви субъектларнинг «тўра»лари ҳам аралашиб қолмокда?

— 2004 йилда нақд пуллари банкдан ташқарига чиқиб кетишига имконият яратиб, уларга шерикчилик қилган банк муассасалари, солиқ идоралари ва ҳокимият идораларининг мансабдорларига нисбатан бир неча жиноят иши кўзга тилинган.

Масалан, Наманган вилояти Мингбулек тумани ҳокимининг ўринбосари, пул кредит комиссияси раиси С.Умаров ва комиссия котиби У.Абдурахимовлар кунлик пул тушуми бўйича топшириқларни бажарилишини ўрганишмаган. Туман давлат солиқ инспекцияси томонидан 6 та фирма савдо қондиси ялти буганчилиги ва нақд пул тушуми бўйича топшириқларни бажараётганлиги ҳақида маълумот берган бўлса-да, жаноб Умаров буни ўрганмаган. Савдо қондаларини бузган фирмаларнинг чакана савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш ҳўжўҳини берувчи рухсатномасини бекор қилмаган.

Нақд пул масаласидаги ҳўкумат

қарорини бажаришга масўулиятсиз муносабатда бўлганлиги учун Сирдарё вилоятининг Гулистон шаҳри, Мирзаобод, Сайхўнобод, Ховос, Гулистон ва Сардоба туманлари ҳокимларининг ўринбосарлари, Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз, Яқабоб, Қамати, Дехқонобод, Нишон, Миришкор, Китоб туманлари ҳокимларининг ўринбосарларига нисбатан

BAHORGI CHAQIRUV OLDIDAN

ЮРТНИНГ ИШОНГАН ТОҒИ ЙИГИТЛАР

«Йигитлар халқларнинг гурури, фаҳри». Шоиру Фафур Гуломнинг ана шу сатрини эшитганимизда ҳарбий либоси ўзига ярашган, шаҳамат одимлаётган йигитлар кўз олдимизга келади. Йигитлар азатдан Ватан қўриқчиси ҳисобланиб, юртнинг ҳимояси учун жангга кирган. Тарихга назар соладиган бўлсак, бу ҳақда қўп ва қўп сузлаш мўмкин. Широқ, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур...

Маълумки, барча замонларда ҳар бир давлатнинг қудрати унинг жанговар армияси билан ўлчанган. Бу мезон бугун ҳам аҳамиятини йўқотгани йўқ. Террорчи гуруҳлар юртимиз оёсийишлигини бузмокчи бўлганда ҳарбийларимиз кўрсатган жасоратни халқимиз яҳши эълаиди. Мард ўғлонларимиз жонларидан кечиб бўлса-да, душманни юрт тўроғига қўймади.

Бирок, ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлашда, уларни ҳар жиҳатдан етуқ қилиб тарбиялашда ютуқлар билан бирга, афсуски, муаммолар ҳам бор. Яқинда Жиззах шаҳрида «Ўзбекистоннинг мудофаа қобилиятини кучайтиришда прокуратура органларининг ўрни ва вазифалари» мавзусида семинар бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Куролли кўчлари тизимида қўнунийликни таъминлаш, ҳарбий хизматга тайёрлаш соҳасидаги ҳўқўбузарликларнинг олдини олиш масалалари муҳокама қилинди. Камчиликлар рўй-рост айтилди. Ўтган йили қилинган ишлар таҳлили шуни кўрсатадики, Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 11 март ва 21 сентябрдаги «Муддатли ҳарбий, мўқобил хизматнинг белгиланган муддатини ўтаб бўлган фўқароларни захирага бўшатиш ҳамада Ўзбекистон Куролли кўчларига навбатдаги қақиров тўғрисида»ги қарори талаблари айрим минтақаларда яҳши ижро этилмаган. Ўтказилган текширишларда фўқароларни ҳарбий, мўқобил ва сафарбарлик қақиров резервидаги хизматга жалб қилиш борасида мудофаа ишлари бўйича бошқарма ва бўлимлар, қақиров ва тиббий комиссиялар фаолиятида бир қатор қўнубузулиш ҳолатлари аниқланган.

Шаҳар ва туман тиббий комиссиялари зарур асбоб-ускуналар, малакали врачлар билан таъминланмаган. Энг ажабланарлики, тиббий комиссия таркибига иккинчи тоифали ва малакаси етарли бўлмаган врачларнинг фаолият кўрсатишига йўл қўйилган. Тиббий комиссияларнинг локайдлиги тўғрисида 2004 йил баҳорги ва кузги қақиров мавсумида армияга қақирилган 95 нафар фўқаро ҳарбий хизматга яроқсиз деб топилди, уларига қақитарилган.

Масалан, Жиззах вилояти бўйича ўтган йилнинг баҳор ва кузда ҳарбий хизматга қақирилган 9 та йигит соғлиги талабга жавоб бермаганиги бонс уйдаг жўнатиб юборилган. Жумладан, Пактахор тумани МИБ томонидан хизматга қақирилган Ф.Дангалов Мудофаа вазирлигининг марказий клиник госпиталида қақита тиббий кўриқдан ўтказилганда унинг ичагида яра, жигарида эса пуфаксимон ўсимта борлиги аниқланган.

Самарқанд вилояти бўйича 2004 йилда ҳарбий хизматга юборилганлардан 10 нафари, Сирдарё вилояти бўйича эса 3 нафари хизматга яроқсиз деб топилди, уйига қақитарилган. Бу эса касал бўлгани ҳолда хизматга қақирилган фўқароларнинг ўридли эътирозига сабаб бўлмокда.

Ҳақли савол тўғрисида: бунинг учун ким айбдор? Аввало, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил февралдаги қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Куролли кўчларида тинчлик ва уруш вақтида тиббий текширувдан ўтказиш тўғрисида»ги низома мўвофиқ тиббий комиссияларнинг зарур асбоб-ускуналар, малакали врачлар билан таъминланишига эришилмаган. Бундай ҳолат Сурхондарё, Наманган, Хоразм, Фарғона, Жиззах, Бухоро вилоятлари ва Қорақалъа-ғўлистондаги жуда кўп туманларда учрайди.

Жойлардаги ҳарбий прокуратуралар ўтказган текшириш натижасига кўра вилоят соғлиқни сақлаш бошқармалари раҳбарларига нисбатан таъсир чораларини қўллаш билан бирга, йигитларни ҳарбий хизматга жўнатиш ва уларнинг қайтиб келиши билан боғлиқ харажатларни айбдорлардан ундириш масаласи ҳам қўйилди. Жумладан, Наманган вилояти бўйича хизматдан қақитарилган 5 нафар фўқарони жўнатишга эътиборсизлик қилган тиббий ҳодимлардан давлат фойдасига 157.652 сўм ундирилган.

Яна бир муаммо ҳақида гапириб ўтмасак бўлмас. Ўтказилаётган тадбирларга қарамасдан, мудофаа ишлари бўйича айрим мансабдорлар ваколлатини суистеъмол қилаётган ҳолатлар учраб турибди. Масалан, ўтган йили Наманган ҳарбий прокуратураси томонидан Чортоқ тумани мудофаа ишлари бўлими бошлиги М.Эргашевга нисбатан жиноят иши қўзғатилган. М.Эргашев сафарбарлик қақиров резервида хизматни ўташ учун фўқаролар тўлган пуллари олгану кирим қилмай, ўз эҳтиёжи учун ишлатиб юборган. Подполковник М.Эргашев округ ҳарбий судининг ҳўкми билан 8 йилга озодликдан махрум қилинди.

Қақиров муддати кечиктирилган кишиларнинг шахсий йўғма жилдини ўрганиш жараёнида Фарғона, Навоий, Тошкент, Сурхондарё вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида бир қатор камчиликларга йўл қўйилаётгани аниқланган. Яъни, қақиров муддатини кечиктиришга асос бўлган ҳўжатлар қақирилувчиларнинг йўғма жилдига қўйилмаган.

Уйлаймизки, келгусида бундай қўнубузарликларга йўл қўйилмайди. Бунинг учун жойлардаги масўул ҳодимлар ўз вазифасига сидқидилдан ёндошишлари керак.

Аслам ХОЛИҚОВ,
Республика ҳарбий прокуратурасининг катта ёрдмчиси

PROKUROR PROTEST KIRITDI

Шифокорнинг беморга қўйган ташхиси қанчалик масўулиятли бўлса, судларнинг фўқаро ёҳуд жамоа аъзадан чиқарган ҳўлосаси ҳам шунчалик аҳамиятлидир. Биргина нотўғри ажрим ёки ҳўкм бегуноҳ кишилар ҳаётини ағдар-тўнтар қилиб юбориши турган гап.

Г.Каримовга 9.324.253 сўм моддий ҳамда 6.000.000 сўм маънавий зарар тўлаши лозим эди. Фўқаролик ишлари бўйича Темир йўл туманлараро (собиқ) суди ишни ўрганбди, 2003 йил 26 апрел кўнги хал қилувчи қарори билан «Сувоқова» корхонаси ҳисобидан Г.Каримовга фойдасига 9.224.253 сўм ундирилган. Қизиги шундаки, вилоят фўқаролик ишлари бўйича (-ФИБ) суди кассация судлов ҳайъатининг 2003 йил

Суҳбатдошу:
Зайниддин МАМАДАЛИЕВ

ИЛК ҚАДАМ МАСЎУЛИЯТИ

Г.Каримова ўзига тегишли Самарқанд шаҳар «Кўшқову» кўчасидаги 105-уйни тоғлан туғганини сарфлаб таъмирлади. Фарзандларини ўйлаб қўшимча хоналар солдирди. 2002 йилнинг баҳорига келиб шаҳар ҳокимлигининг топшириғи билан ободонлаштириш ишлари бошлаб юборилди. Жумладан, ҳўвилардан ўтувчи ариқни кўча ҳудудида қақирши ишлари бошланди-ю, аммо ҳеч ким техника хавфсизлиги, бошқа муаммолар хусусида йўлаб ҳам ўтормади. Натижада, қовлаш пайтида ер остидан ўтган сув қувурларидан бири синиб, кўча ва уйларни сув босди. Самарқанд шаҳар «Сувоқова» корхонасидан ўз вақтида мўтахасс келмаганлиги бонс, сув Г.Каримованинг ҳўвлиси, уйининг ертўласини тўлдириди.

Табииюки, шунча харажатга тушиш ҳеч кимга ҳам ёқмайди. Г.Каримованинг аризаси Адлия вазирлигига қарашли Ҳ.Сулаймонов номли Самарқанд вилоятлараро экспертиза маркази томонидан ўрганилиб, 2002 йил 18 июлда тегишли ҳўлоса тақдим этилган. Унга кўра, «Сувоқова» корхонаси

23 октябрдаги ажримин билан Темирйўл туманлараро ФИБ судининг ушбу қарори ўзгаришсиз қолдирилган. Темир йўл прокуратураси томонидан киритилган кассация протести рад этилиб, сабаби кўрсатилмаган.

Уйга толасан киши. Вилоят ҳокимлигининг кўрсатмасига асосан Самарқанд шаҳар сув қурилиш корхонаси билан шаҳар 2-модернизациялашган кўча қурилиш корхонаси ўртасида «Кўшқову» кўчасидан ўтувчи ариқни қазиб бўйича шартнома тузилган. Унга кўра, 2-модернизациялашган кўча қурилиш корхонаси Самарқанд давлат сув-лўйиҳа институти томонидан тасдиқланган вазифани бажараётди, ушбу ҳодисага сабабчи бўлган. Емаган сомса учун эса...

Вилоят прокуратураси киритган протест ҳаммасига яқун ёсади. Вилоят ФИБ суди томонидан ҳар иккала суд қарори бекор қилиниб, иш қақита кўриб чиқиш учун юборилди.

Х.ХАЛИЛОВ,
Самарқанд вилоят прокуратурасининг бўлим катта прокурори

KASBINI ULUG' LAYOTGANLAR

Ҳазорасп туманидаги Пушкин номи 1-сонли мактаб-интернат ўтган эсрнинг бошларида ташкил қилинган. Бу ерда таълим-тарбия юксак даражада берилгани учун ҳам кўпчилик ота-оналар фарзандларини айнан шу даргоҳда ўқитишга ҳавас қиларди. Пичоқчи қишлоғида яшовчи, темир йўл муҳандиси бўлиш Исмоил ака ҳам ўғли Эркинни ушбу мактабга олиб келганида, муаллимлар миқтигина болакайнинг эҳни ўтирлигига амин бўлишиб, уни иқтидорли болалар синфига олдилар.

БУНИ УМР ДЕРЛАР

Исмоил ака рафиқаси Ражаб-биби опа билан ўн нафар фарзандни оқ ювиб, оқ тараб ўстиришди. Эркинбой уларнинг учинчи фарзанди. Болаликнинг ортиқча ҳою-ҳавасларига берилмай ўқиди, мактабни «олтин медал» билан тугатишга ҳаракат қилди. Бироқ шаходатномасидаги биттагина «4» баҳо бунга халақит қилди. Бундан биров ўксинган бўлса-да, ТошДУ (ҳозирги УзМУ)нинг ҳуқуқшунослик факультетига «аъло» баҳолар билан имтиҳон топширди.

Ҳаш-паш дегунча талабалик онлари ортда қолди. Эркин Ҳўжаев 1977 йил Шовот туман прокуратурасига иш ўрганувчи-терговчиликка қабул қилинди.

— Марк Каримов деган салобатли туман прокурорининг ҳўзурига кириб борарканман, — дея эслайди ёшлик даврини Э.Ҳўжаев,

— у кишининг салгина «салбийроқ» таърифлашгани боис ички бир ҳадикираш мени ҳаяжонга соларди. «Қани йигитча, мана бунга таржимаи ҳолингизни ёзинг-чи!.. Кўрайлик саводингизни...» деб олдимга бир варақ қоғоз кўйдим Марк ака.» Уша пайтда дастхатим жимжимадор, ҳавас қилса арзийдиган даражада эди. Чиройли ва ихчам қилиб ёзиб бердим. Марк ака ёзувимга биров тикилиб турди: «Дуруст, ортиқча такрор, сийқаси чиққан сўз йўқ» деб кўйдим.

Ҳақиқатан ҳам Марк Каримов интизомпарвар, шу билан бирга биров «инжиқ»лиги ҳам бор киши бўлган. Бу ерга иш ўрганиш учун борган терговчилар зоғи билан 5-6 ой ишлаб, кейин ўз касбини ўзгартиришга мажбур бўлишарди. Бироқ Эркин ака Шовот туман прокуратурасига иш ўрганувчи-терговчи бўлиб

борди-ю, Марк Каримовнинг беш йиллик прокурорлик муддати тугаб, бошқа ишга ўтгунича бирга меҳнат қилди. Меҳнат жамоаси билан хайр-лашаркан, М.Каримов «Ҳаммангизнинг Эркиндек тартибли, ишга масъулиятли бўлишингизни истаيمان» деди. Бу прокуратура соҳасида атиги беш йил ишлаган Э.Ҳўжаев учун улкан сийлов эди.

Эркин ака Шовот туман прокуратурасида деярли тўққиз йил меҳнат қилди. 1986 йил Хоразм вилоят прокуратурасида катта терговчи, алоҳида муҳим ишлар бўйича бош терговчи лавозимларида хизмат қилди. 1998 йилдан то ҳозиргача Хоразм вилоят прокуратурасида жиноятларни тергов қилиш бўлими бошлиғи бўлиб фаолият юритмоқда. Сарҳисоб қилинса, унинг 28 йиллик умри тергов соҳасида хизмат қилиш билан кечаяпти.

— Шу давр мобайнида бирорта ишим ҳам суддан қайта терговга қайтмади, — дея фахрланади Э.Ҳўжаев.

Дарҳақиқат прокурорлик — мансаб, раҳбарлик, терговчилик — касб, маҳорат. Буни чуқур ҳис қилган Эркин ака куч ва иқтидорини шу азиз касбига бағишлади.

Эрпўлат БАХТ,
«Ниқуқ» муҳбири

QIMMATBAHO TOSHLAR TARIXI

Маъмур олмослар



Қимматбаҳо тош деганда феруза, бриллиант ва яна ҳоказолар билан бирга олмос ҳам тилга олинди.

Бу бежизга эмас албатта. Олмос шундай қимматбаҳо тош ки, ҳамма жойда ҳам учрайвермайди. Маълум бўлишича, дунё олмосларининг ҳеч бири 1905 йил 25 январда Жанубий Африка Республикасида топилган олмосга тенглашолмайди. Маъмур олмос «Де Бирс» компаниясига қарашли «Премьер» конидан топилган. Уни дастлаб тортиб кўришганда 3106 карат (621 грамм)ни ташкил этган. Ажаблаларли жиҳати шунда эдики, олмоснинг ақалли битта ҳам ёриғи бўлмай, сувдай тип-тиник ҳолатда эди. Фақатгина орадан ўч йил ўтиб, олмос 6 та катта ва 96 та майда бўлақларга бўлинди. Улар орасида энг каттаси бундан «Куллиан-1» ёки «Африка юлдузи» номи олмос бўлағи ҳозирги кунда Буюкбритания давлатининг ҳужмдорлик раъзини безаб турибди. Айнан мана шу олмос дунёдаги энг катта олмос ҳисобланади. «Куллиан»нинг дастлабки ҳолатдаги нарҳиши на долларлар, на фунт стерлингда ҳисоблаб бўлмаган. Ўтган эсрнинг 70-йилларида кимдир ўша 600 граммли олмосни қийматини белгилашга уринган. Натижа эса жуда ҳайратланарди... 96 тонна олтинга тенглаштирилган.

Яна бир қадимий ва маъмур олмослардан бири «Кўхинур» олмоси Хиндистон заминидан топилган. Тарихнинг гувоҳлик беришича, XVI асрда Кўхинур олмосини Бобурийлар империяси асосчиси — бобомиз Заҳирриддин Муҳаммад Бобур жанглардан бирида кўлга киритади. Бобур ўлимидан кейин бу олмос Бобурийлар салтанатининг мулки бўлиб қолади. Ва авлоддан авлодга ўтиб, Бобурийларнинг шохона маросимларини безаб туради. 1848 йилда Бобурийлар империясининг инкирозидан кейин бу олмосни Буюкбритания кўлга киритади...

Империялар вужудга келди, барбод бўлди. Кўхинур олмоси эса ўлжа сифатида кўлдан кўлга ўтиб юрaverди...

VO AJAB!



Одамхўр тимсоҳ

Уганда маъмурлари оғирлиги бир тоннага яқин, узунлиги беш метрдан ошадиган тимсоҳнинг кўлга олинганлигини хабар қилишди.

Уни тўрга тушириш учун мутахассислар уч кеча-ю уч кундуз овора бўлишган. Маҳаллий аҳолининг айтишича, кейинги йигирма йил ичида Викториа кўлида балиқ овлаган 83 киши бу тимсоҳга емиш бўлган эмиш. Ёши тахминан 60 ларда бўлган бу одамхўр тимсоҳ ҳозирги кунда тимсоҳлар учун қурилган махсус фирмада сақланмоқда.




— Биз ҳам тўйга кетаялмиз

Абурашчи ЖУМАЙЕВ ўсади сурагани

AJOYIBU G'AROYIB

Газетамизнинг ўтган сонларида «Ажабтовур қонунлар» хусусида сўз юритиб, АКШнинг турли штатларида чиқарилган «бир қайнови ичида» бўлган қонунлар тўғрисида маълумот бергандик. Янги йилнинг шарофати билан АКШнинг ЮТА штатидаги бир қанча шундай қонунлар бекор қилинганлиги тўғрисида ОАВлари хабар беришди. Масалан, штатда 1956 йилда чиқарилган, арабларнинг бел ўйинига ўхшаб кетадиган рақсларга тушишни тақиқлайдиган қонун бекор қилинди. Энди юталиқлар бемалол «твист», «шейк» каби рақсларга тушаверишлари мумкин. Бунинг учун ҳеч ким уларни жавобгарликка тортмайди. Бундан ташқари, улар Вирджин дарёси устига қурилган кўприқдан 25 та от ҳамда 200 дан ортиқ кўй-эчкиларини бир йўла ҳайдаб ўтишлари мумкин, чунки шундай ҳаракатларни ман этувчи, 1896 йилда қабул қилинган қонун ҳам бекор қилинди. Бошқа штатларда эса қонун ижодкорлари юталиқлар сингари илгор фирқай олмаяпти. Масалан, ҳозирги кунда ҳам у ерларда тимсоҳнинг бўйиндан ип боғлаб, кўчаларда сайр қилишни ҳамда кир иладиган арқонларга аёллар ва эркекларнинг ювилган кийимларини осиб, қуритишни ман этадиган қонунлар амалда турибди. Тимсоҳ билан кўчаларда сайр қилишнинг ман этилишини хўп майли, тасаввур қилса бўлади, аммо аёллар ва эркекларнинг ювилган кирларини бир арқонга илишни тақиқлайдиган қонуннинг чиқарилиши сабабини ҳеч ким аниқ билмайди.

SHUNAQASI HAM BO' LARKAN



Бахти кулган инсон

бошим оғриydi», дея врачга шикоят қилган. Қулоғининг орқасидаги озгина тилинган жойини ҳисобга олмаганда ҳеч қандай қусур тополмаган врач «эҳтимол бош суюғи ёрилгандир», деган ўйда уни рентгендан ўтишга жўнатган. Рентген суратини кўрган врачнинг ҳуши бошдан учди, чунки Вороновичнинг миясига 12 сантиметрли номаълум предмет санчилиб турарди. Уни зудлик билан Бясток шаҳридаги касалхонага ётқизиб операция қилишган. Ёт предметни олиб ташлашган. Вороновичнинг бахтига пичоқнинг тиги биронта ҳаётий муҳим нерв толаси ёки қон томирига зарар етказмаган экан. Вороновични операция қилган доктор Марек Роговски бу ҳолни «ўхшаши бўлмаган камёб ҳодиса» деб баҳолади. Қизиги шундаки, Воронович бош чаноғида ўн кун давомида кўтариб юрган пичоқ тигини докторлар уч минут ичида олиб ташлаганлар. Воронович эса операция стодидан туриб тўғри ишга кетган.

Полшанинг Вайновице шаҳрида яшовчи 61 ёшли собиқ ўқитувчи Леонард Вороновичнинг миясига қадалиб қолган 12 сантиметрли пичоқ тиги олиб ташланди. Воронович «бундан 10 кун аввал ошхонамда йиқилиб тушган эдим, шундан бери



ит озошликка чиқарилди. Гап шундаки, бундан ролпароса бир ярим йил аввал у кўчада бир йўловчини тишлаб олган. Маранхао шаҳри прокурори бошқа йўловчиларни ҳам тишлаб, озор етказмасин деган ўйда «қамаб ташланглар!» деб фармойиш берган. Тўғри, прокурор ўшанда биронта эски оғбор, гараж ёки ертўлини назарда тутган бўлиши мумкин. Аммо «билимдон полициячилар» прокурорнинг гапи гап дея итни турмага тикишади. Унга алоҳида камера ажратилади, у маҳал иссиқ оғват билан таъминлашиб, кунига икки марта очиқ ҳавога чиқариб келишади. Ит эҳтиёт чораси сифатида қамоқда ушлаб турилган одамлар билан бир хил ҳуқуққа эга бўлган. Афсуски, итнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиши деган одамлар уни жаннатдай макондан махрум қилиб қўйишганини кеч англашди. Ит ҳозир озошликда, ким бир тўғрам нон ёки бир бўлак қолбаса бераркан, деган умидда шаҳар кўчаларида изғиб юрибди.



Буюкбритания полицияси галати равишда одамларга қаттиқ норозилик билдириб, шаҳар кўчаларида намоийш ўтказишга, Бразилия турмаларидан бирида бир ярим йилдан бери қамоқда сақланаётган эгасиз ит озошликка чиқарилди. Гап шундаки, бундан ролпароса бир ярим йил аввал у кўчада бир йўловчини тишлаб олган. Маранхао шаҳри прокурори бошқа йўловчиларни ҳам тишлаб, озор етказмасин деган ўйда «қамаб ташланглар!» деб фармойиш берган. Тўғри, прокурор ўшанда биронта эски оғбор, гараж ёки ертўлини назарда тутган бўлиши мумкин. Аммо «билимдон полициячилар» прокурорнинг гапи гап дея итни турмага тикишади. Унга алоҳида камера ажратилади, у маҳал иссиқ оғват билан таъминлашиб, кунига икки марта очиқ ҳавога чиқариб келишади. Ит эҳтиёт чораси сифатида қамоқда ушлаб турилган одамлар билан бир хил ҳуқуққа эга бўлган. Афсуски, итнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиши деган одамлар уни жаннатдай макондан махрум қилиб қўйишганини кеч англашди. Ит ҳозир озошликда, ким бир тўғрам нон ёки бир бўлак қолбаса бераркан, деган умидда шаҳар кўчаларида изғиб юрибди.

«HUQUQ» MEIMONI



ЮРТИМИЗ НОМИНИ ЖАХОНГА ТАНИТАЁТГАН
САЊАТКОРЛАР ОРАСИДА ЎЗБЕКISTОН ХАЛК
АРТИСТИ МУЯССАР РАЗЗОКОВАНИНГ АЛОХИ-
ДА ЎРНИ БОР. МУЯССАР ОПА ЧИРОЙЛИ ОВОЗИ
БИЛАН НАФАКАТ ВАТАНИМИЗ, БАЛКИ ЧЕТ ЭЛ-
ЛАРДАГИ ОПЕРА МУХЛИСЛАРИНИНГ ХАМ ЭЪТИ-
БОРИНИ КОЗОНИБ КЕЛМОҚДА. ДЕМАК,
САХИФАМИЗНИНГ БУЎНГИ МЕҲМОНИ
МУЯССАР РАЗЗОҚОВА

Опера - дунёвий санъат

— Муяссар опа, аввало яқинда эришган катта муваффақиятнингиз билан чин қўнғидан табриклаймиз. Сўхбатимиз бошида га- зетхонларимизга ўзингиз ҳақингиз- да гапириб берсангиз.

— Табрик учун раҳмат. Ўзимга келсак, мен асли қорақалпоғистон- ликман. Миллатим ўзбек. Санъатга ёшлигимдан қизиққанлигим боис ўрта мактабни тамомлагач, Тошкент консерваториясига ҳужжат топширдим ва 1981 — 1988 йиллари ушбу даргоҳда таҳсил олдим. Ҳозир Алишер Навоий номидаги опера ва балет театрининг солистиман.

Машҳур санъаткор бўлиш осон эмас. Менинг бу даражага етишимда аввало турмуш ўртоғим ва яқинларимнинг катта ҳиссаси бор. Ҳозир олти ёшли Жавлон ва бир ярим яшар Жавоҳир исмли фарзандларимни тарбиялаётганимга қарамай, театр ва ижоддан узилиб қолмадим. Ҳатто Жавоҳир тугилгандан қирқ кун ўтиб, саҳнада «Севиля сартороши» операсидаги бош ролни ижро этганиман. Ҳаётини тажрибамдан келиб чиқиб, «Интиланга толе ёр» деган нақлга ишонч ҳосил қилганман. Инсоннинг камолотида яқинлари ва оиланинг ўрни жудаям муҳим. Умуман олганда, инсон доим изланиш ва интилишда бўлсагина албатта мурод-мақсадига етади.

— Устоз кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўрғалар дейишади...

— Ҳар би кишининг бирон касбни эгаллаши ва профессионал даражага етишишида устозларининг ҳиссаси катта бўлади. Мен устозларим Саодат Қобулова ва Розалинда Лаутудан бир умр миннатдорман. Бирини мени ўзбек миллий операсини ўргатган бўлса, бири италян опера мактабидан сабоқ берган.

— Муяссар опа, санъатнинг тури кўп. Опера ҳақида эса ҳамма ҳам етарли тушуночга эга эмас.

— Мана беш асрдан буён опера саҳнада ўзининг кўркاملарини кўрсатиб келмоқда. Бу санъатнинг ватани Италиядир. Қайси даврда бўлишидан қатъи назар, у ўз муҳлисига эга бўлган. Опера санъаткоридан юксак масъулиятни талаб қилади. Аслида, опера ҳақиқий овоз ва оҳанг санъатидир. Жаҳон операсининг улғу даргоҳи Итали-

яда жойлашган «Ла Скала» театри ҳисобланади. «Ла Скала» саҳна- сига фақат моҳир ва машҳур санъаткорларгина чиқа олади. Мен опера санъатини танлаганимдан доимо фахрланаман.

— Опера қайси санъат турлари билан уйғунлаша олади? Унинг бошқа йўналишлардан фарқи нимада?

— Опера балет санъати билан уйғунлаша олади. Баъзи ҳолларда ҳамкорликда чиroyли асарлар яратишади. Эътибор берсангиз, санъатнинг бошқа йўналишларида техник воситалардан кенг фойдаланилади. Опера бундан мустасно. Унда фонограмма, оранжировка, ҳатто микрофондан ҳам фойдаланилмайди. Бунда фақат жонли овоз, шунингдек оҳанг талаб этилади. Опера ижросини ҳар ким ҳам эплай олмайди. Масалан, эстрада кўшикларини ижро эта олган хонанда классик кўшикларни ҳам айта олиши мумкин. Аммо опера кўшикларини айтолмайди. Бунинг учун санъаткордан тўлиқ диапазонли овоз, махсус билим ва истеъод талаб этилади. Эътибор берган бўлсангиз, опера санъаткорларининг кўкрак қафаси кенг ва гавдаси йирик бўлади. Нега бундай дерсиз? Чунки опера санъаткорлари ўпка ва диафрагмадан келадиган кучли овозни чиқариб бериш учун тинимсиз машқ қиладилар. Биз худди нафас олиб анча вақтгача ҳавони ўпкада сақловчи сув спорти билан шуғулланувчиларга ўхшаб кетамиз.

Опера дунёвий санъатдир. Ҳоҳ рус, ҳоҳ инглиз бўлсин, опера айта олади. Аммо ўзбек классик кўшикларини фақат миллатимиз фарзандларига айта олади. Мен мундоқ кўшиқ ва мақомларимиз ҳам худди операдек дунёда машҳур бўлишни жуда хоҳлар эдим.

— Сиз мураккаб партияларни рус, италян, ўзбек тилларида бирдек таъсирчан ва равои ижро эта olasiz. Айтангчи, бошқа тиллардаги кўшиқларни айтиш учун ўша тилни билиш лозими ёки сузма- суҳ ёдалш керакми?

— Бу саволингизга қуйидагича жавоб бераман. Масалан, мен русча ва италяна опера асарларининг маъносини яхши биламан. Бундан ташқари, консерваторияда италян тили ўргатилади. Баъзи италяна

асарларни мустақил равишда ёд оламан. Одатда опера санъаткори ижро этилаётган асар қайси тилда бўлишидан қатъи назар, айнан шу тилни профессионал даражада билмас-да, аммо асарда нима дейи- лаётганини билиши лозим. Масалан, саҳнага қиканимизда бизни эшитаётган муҳлис ва мутахассислар кўшиқнинг бошида овоз кучи билан келадиغان оҳангга диққат қилишади. Агар кўшиқ бошида ичин- гиздаги овозни маромида етказиб бермасангиз, томошабинлар залдан аста-секин чиқиб кетади.

— Буғунги кунда бизнинг опера- рамиз жаҳонда қандай мавқега эга? Жумладан, Москвада бўлиб ўтган концертнингиздан қандай таассурот қолди?

— Ҳар бир давлатни дунёга танитишда санъатнинг ўрни ниҳоятда катта. Бир санъаткорнинг ижоди орқасида бир халқнинг номи, обрўси туради. Хориж саҳналарида биздан маҳоратингизни кўрсатиб, маданият ва маънавиятимиз юксаклигини кўрсата олиш талаб этилади. Москвадаги концертим кўпчиликнинг хайрат ва олқишига сазовор бўлди десам муболага бўлмайди. Албатта, бундай катта муваффақиятдан кейин ўзимни бахтли ҳис қилаяпман. Аммо ҳар қандай санъаткор ютуқларидан тўла қониқиб ҳосил қилолмайди. Акс ҳолда ижодкор ўсишдан тўхтаб қолиши мумкин. Шу сабабдан Москвадаги концерт мендаги масъулият ҳиссини янада оширди. Бу концертга тайёргарлик жуда кийин кечди. Кўшиқларимга Алексей Уткиннинг «Эрмитаж» камер оркестри жўрлик қилди. Дастлабки машқларимиздан сўнг улар: «Биз билан бошқа мамлакатларга қонлирт бергани бормайсизми?» — деб сўради. Мен учун бу катта шараф эди. Концертдан кейин кўплаб ўзбек ва рус журналистлари мендан интервью олишди. Машҳур опера устаси Елена Обрицкованинг эътирофи менга берилган энг юксак баҳо бўлди. Биз

концертда Образцова билан икки- та дуэт ижро этдик. Бундан ташқари Мухтор Ашрафий мусикаси билан «Кашмирда» ашуласини куйладим. Томошабинлар айниқса «Кашмирда»ни берилиб тинглади- лар. Бу муваффақиятдан сўнг 16 феврал кунини мени ватанимизда яна бир муваффақият кутаётган эди. Доницеттининг «Севги шароби» операси мени оҳанрабодек ўзи- га тортиб келарди. Менга шундай овоз товланишларига бой мураккаб асарлар ёқарди. Бу асар устаси ишлар Москва сафаридан олдин бошланган эди. Театр раҳбариятидан шу асар саҳнага қуйи- лишини илтимос қилдим. Томоша- бинга жиддий асарлар билан бир-

этилса, аввало, миллийликка зид келиб, жаҳон операси меъёрлари- нинг бузилишига олиб келиши мумкин.

Афсуски, сўнгги вақтларда баъзи сабабларга кўра мен қатнаша- диган спектакллар ҳам репертуар- га кам қўйилаяпти, ҳатто энг яхши опералардан бўлган «Дилором» ҳам репертуардан олиб ташланиш ара- фасида турибди. «Риголетто»ни эса кайи мавсумдан буён айтмадим. Баъзан театрда қўйладиган асарлар афишасида «Муяссар Раззоқова ижро этади» деб ёзилиб, билет сотилган бўлса-да, саҳнага бошқа одам чиқиб ижро этган. Бундай ҳолларда мени танийдиганлар ва мухлисларим бу Муяссар Раззоқова эмас-ку деб зални тарк этишган экан. Бунга ким айбдор? Ҳатто «Севги шаробини» ҳам бир марта айтдим. Нимагадир, иккинчи, учинчи сафар бошқалар айтишди. Аслида биринчи премерада қуй- лаган одам иккинчисида ҳам ўзи ижро этиши керак. Мени доим хай- ратга солиб келаётган яна бир муаммо бор. Шуқурлар бўлини, жаҳоннинг машҳур ва катта залларидан менга имкон берилмоқда, аммо ўзимизнинг опера ва балет театри саҳнасида йўл берилмапти. Бунинг сабабини театр раҳбариятидан сўранг, нима деб жавоб беришар экан?

— Сир бўлмаса, келгусидаги режаларингиз қандай?

— Аввало, оилам тинчилиги ва саломатлигим, шунингдек доим ижод қилаётганимдан Аллоҳга шуқороналар айтаман. Ҳали ниятларим шук. Шу йилнинг апрел ойида Санкт- Петербург филармониясининг катта залида бўладиган концертимга кизгин тайёргарлик қўраяпман. Бундан ташқари июл ойида Парижда Елена Образцова билан бирга катта концерт беришни режалаштирган- имиз. Ҳозир шоира Фарида Афрўз ва композитор Алишер Ра-



га етилгандагина санъатнинг кела- жаги порлоқ бўлади. Истеъдоди бўлмаган, фақат таниш-билиш ёки қариндош-уруғчилик асосла- надиганлар билан иш қўрилса, бундай санъатнинг келажи бўлмайди. Айна вақтда театримиз раҳбарияти фақат рус тилини тан олиб, бarcha асарларни рус тили- да ижро этишимизни талаб қил- моқда. Мен бунга қаршман, опера — дунёвий санъат. Масалан, «Майсаранинг мийи», «Тоҳир ва Зухра»... Булар миллий асарлари- миз-ку ахир. Русча асарлар русча, италян тилидагилар италяна ай- тилсагина операнинг қадри ва та- биийлиги сақланиб қолади. Опера асарлари фақат бир тилда ижро

сулов мен учун янги опера устиди ишлашапти. Насиб этса, замона- вий ўзбек операсида бош парти- яни қўлайман.

Мен ҳеч қачон ижродан зерик- кан эмасман ва доимо қўйлашни истайман. Халқимизнинг санъати- га муносабати мен учун ҳамма нарсадан қадри.

— Байрам тилакларингиз... — Халқимизни ва ҳуқуқ тарти- бот ходимларини яқинлашиб кела- ётган Наврўзи олам билан мубо- рақабод этаман! Юртимиз тинч, халқимизнинг турмуши фаровон, риз- қимиз бут бўлсин.

«Qonun himoyasida» мухбири Гули ҲОЖИБОВА сўхбатлашди

HUQUQ yuridik gazeta
Ta'sischi: O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir: Abdullolli ABDURAZZOQOV
Tahririyat joyi: Bahridin VALIYEV, Abduhalim XOLMAHMATOV, Pirimqul QODIROV, Jahongir SHAROFBOYEV
ALIMOY (mas'ul ko'rib chiqilgan bajaruvchi), Lola SHOMURODOVA, Muxtor SHODMONOV

Tahririyat manzili: Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66.
Telefon: 133-82-34, 133-64-72.
E-mail: info@huquq.uz.
Faks: 133-64-85, 133-10-53.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariга qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin.
Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «HUQUQ» dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar ** belgisi ostida chop etiladi.

Buyurtma G — 260. 21760 nusxada chop etildi.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Navbatchi muharrir: D.ESHMURODOV
Musahhih: A.MUSTAFOYEVA
Sahifalovchi: X.HAMIDOV
Gazeta «Sharq» NMK boshmaxonasida o'fset usulida chop etildi. Korxon manzili: Toshkent shahar, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta haftaning chorshanba kunlari chiqadi.
Sotuvda erkin narxda